

МАХТУМҚУЛИ ШЕЪРИЯТИДА ИЛОҲИЙ ТУШ ТАЛҚИНИ

Norkulova Shaxnoza Tulkinovna

TerDU katta o'qituvchisi, (PhD).

e-mail: norqulovashaxnoza8@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11356690>

Аннотация. Мақолада Яқин ва ўрта шарқ адабиётининг буюк вакили саналмиш Махтумқули Фирогий шеърияти хусусида фикр юритилган. Унинг кўнгил ва гўзалликни, ҳаёт неъматларини тараннум этувчи ва оҳират озиқларини эслатувчи, мазмунан ва шаклан гўзал лирикаси атрофлича ёритилган. “БУ НАҚЛДИР” тўпламидан жой олган “Турғил!” дедилар” номли шеъри (илоҳий туш баёни) таҳлилга тортилиб, унда пайгамбарлар, машхур авлиёлар, пири комиллар, мўтабар зотлар билан боғлиқ тасвирларни шоирона маҳорат билан баён этиши масалаларига урғу берилган.

Tayanch soʻz va iboralar: Махтумқули шеърияти, Илоҳий туш, “Турғил” дедилар, пайгамбарлар, авлиёлар, Муҳаммад, Ҳазрати Салим хожа, Бобо зурриёд, Ул Вайсил Қароний, Ҳазрати Баҳоуддин, Занги бобо, Абубақир ас Сиддиқ, Ҳазрати Умар, Ҳазрати Усмон, Ҳазрати Али, Шоҳимардон.

THE INTERPRETATION OF A DIVINE DREAM IN MAHTUMQULI'S POETRY

Abstract. The article examines the poetry of Magtymguly (Pyragy), a major representative of the literature of the Near and Middle East. His lyrics are revealed in detail, glorifying the heart and beauty, the blessings of life and reminiscent of the food of the afterlife, beautiful in content and form. The poem "Revelation" (description of a divine dream) from the collection "THIS IS HISTORY" analyzed and emphasized issues related to prophets, famous saints and respected people.

Key words and phrases: Magtymguly's poetry, divine dream, prophets, saints, Muhammad, Salim Khoja, Baba Zuriyad, Ul Vaisil Karani, Bahauddin, Zangi Baba, four caliphs: Abu Bakr, Umar, Usman and Ali, Shahimardan.

ТОЛКОВАНИЕ БОЖЕСТВЕННОГО СНА В ПОЭЗИИ МАХТУМҚУЛИ

Аннотация. В статье рассматривается поэзия Махтумқули (Фраги), крупного представителя литературы Ближнего и Среднего Востока. Подробно раскрыта его лирика, воспевающая сердце и красоту, блага жизни и напоминающая о пище загробной, прекрасной по содержанию и форме. В стихотворение «Откровение» (описание божественного сна) из сборника «ЭТО ИСТОРИЯ», были проанализированы и подчеркнуты вопросы связанные с пророками, знаменитыми святыми и уважаемыми людьми.

Ключевые слова и выражения: Поэзия Махтумқули, божественный сон, пророки, святые, Мухаммад, Салим Ходжа, Баба Зурияд, Уль Вайсил Карани, Бахауддин, Занги Баба, четыре халифы: Абу Бакр, Умар, Усман и Али, Шахимардан.

Оламлар иждокори яратган нафис қалам соҳиблари орасида шундай бир иждод аҳли борки, уларнинг номи ҳар қандай замон ва халқларда халқнинг кўнглига яқин бўлиб юксак бир эҳтиром билан тилга олинади. Яқин ва ўрта шарқ адабиётининг буюк вакили саналмиш Махтумқули Фирогий ана шундай қалам соҳибларидандир десак ҳеч хато қилмаган

бўламиз. Қардош туркман элининг буюк фарзанди Махтумқули мана уч юз йилки, асрлар силсиласида ўз қийматини йўқотмасдан ўзбек халқининг ҳам атоқли фарзанди сифатида севиб ардоқланиб келади. Ҳассос шоирнинг дардли ва ўтли асарларини ўқимаган, эшитмаган китобхон бўлмаса керак. Унинг ёр ва ағёрни, дўст ва мардумни, ишқ ва шодумонликни, кўнгил ва гўзалликни, доғу – ҳасратни ва майни, баҳорни, алалхус, ҳаёт неъматларини тараннум этувчи ва оҳират озикларини эслатувчи, мазмунан ва шаклан гўзал лирик бисоти асрларким, қайси миллат ва элат фарзанди бўлмасин шеърият мухлисларининг қалбини ром этиб келаётир.

Буюк туркман шоири Махтумқули бир қанча лирик шеърлар, лиро эпик дostonлар, ғазал ва мухаммаслар ёзган бўлиб бизгача унинг лирик, фалсафий, панд-насихат руҳидаги 10 минг мисрадан ортиқ шеърлари етиб келган. Шоир ижодида дунёвий неъматлар, ҳаёт гўзалликлари тараннум этилган шеърлар билан бир қаторда Қуръони Карим оятлари, ҳадиси шарифнинг мазмун-моҳияти сингдирилган лирик асарлар ҳам мавжуд.

Хусусан, Махтумқули шеърларида пайғамбарлар, Одам Ато, Қобил, Ҳобил, Нух, Муҳаммад (Расулulloҳ), Юсуф, Баҳовуддин, Аҳмад Яссавий сингари улуғ зотлар жуда кўп тилга олинади. Шунингдек, Аллоҳга муножот, Расулulloҳ (с.а.в)га мурожаат оҳанглари Махтумқули шеъриятининг энг асосий тамойилларидан биридир. Диний тасаввуфий мавзудаги шеърлар шоир Фироғий ижодида етакчи ўринни эгаллайди. Унинг асосан шу мавзудаги шеърларини танлаб таржима қилган таржимон шоиримиз Мирзо Кенжабек ўз таржималарига ёзган сўз бошисида: “Махтумқули Фироғий XVIII аср маърифий шеъриятининг буюк дарғаларидан бўлиб, бутун туркий халқлар учун тушунарли ва сеvimли шоир, маърифатли сиймо, ориф ошиқ, соҳиби ҳикмат бўлган валий зотдир. Унинг инсонпарварлик, халқпарварлик ғоялари билан йўғрилган шеъриятида пок исломий маърифат руҳи гуркираб, яшнаб туради” [1,5] деган фикрни билдиради.

Мирзо Кенжабек Махтумқули Фироғийнинг ориф, юксак ҳикмат соҳиби бўлган валий зот деб ҳақли баҳо берган. Хусусан, унинг соф фитрати диний ирфоний адабиётимиз билан уйғунлашгани эса шеърларининг юксак бадиияти ва умрбоқийлигини таъминлаган. Бир қанча шеърларида у пайғамбарлар, машхур авлиёлар, пири комиллар, мўътабар зотлар билан боғлиқ тушларини шоирона маҳорат билан баён этади.

“БУ НАҚЛДИР” тўпламининг илк саҳифасидан жой олган “Турғил!” дедилар” номли шеърида Муҳаммад (Расулulloҳ), Боҳоваддин, Шоҳимардон билан боғлиқ тушда кечган воқеаларни гавдалантиради, туш кўриш давомида шеър бандларида байтма байт изчиллик билан улуғ зотлар номма - ном зикр этилади ва бундан кўзланган асосий мақсад Аллоҳнинг ердаги инъикоси – инсонни улуғлашга эътибор қаратилади, Муҳаммад “улуғ жой”нинг йўлбошчиси сифатида эътироф этилади:

Ташдан чиқди олтмиш отлиқ, кўрдилар

“Муҳаммад!” деб тамом пешвоз юрдилар.

Соғлик-саломатлик бир-бир сўрдилар,

“Бошланг, қутлуг жойга, юргил!” дедилар[2,4].

Шеърда шоирнинг кечинмалари илоҳий бир туш каби тасвирланади: лирик қаҳрамон бир кеча ором олиб ётганида туннинг ярмида тўрт отлиқ келиб “Турғил” деб хитоб қилишади ва “Англатармиз сенга фурсат - еринда, Ул жойда эрлар бор, кўргил!” дедилар,

лирик қахрамон шу тўрт мард кишига назари тушгач, кўнгли жўшиб, қалби тўлқинланиб, боши айланиб турганида, келганларнинг орасидан икки девонасифат киши: “Турмасингдан, анда боргил!” дедилар ва шул икки “девона” унинг қўлидан тутиб, ётган ўрнидан етаклаб кетдилар ва шу тариқа Улуғ зотларнинг мажлисига етдилар. Шу онда кўзидан ёш оқиб, дили дуода икки пирзода келди. “Хув, Ҳақ!” дебон чекди олти пиёда, “Одам энди келар, кўргил!” дедилар. Сафларига яна тўрт “асолари яшил, оти кирғий” отлиқ қўшилиб, “Мажлис ҳалқасини қурманг бўйла оз, Одам кўпдир, кенгроқ олгил!” дедилар. Даврани кенг олиб унга ҳам “Ўғлон, ора киргил!” келгин деб сафларига қўшишгач, нурдан олтмиш отли орифлар пайдо бўлиб барчаси шафоатчи Русулимизнинг қаршисига пешвоз чиқадилар, “Муҳаммад” деб, тамом қарши юрадилар, бир – бирларидан ҳол аҳвол сўрайдилар.

“Турманг, улуғ жойга юргил!” деб манзират қиладилар. Бу не синоат, бу не бахтки, тушда ҳам қахрамонимиз лолу – ҳайратда, ажабо! Шунда ўғлон бирма-бир уларнинг отини сўраб билса-ки, Ҳазрати пайғамбаримиз билан биргаликда Салим хожа, Бобо зурриёд, Ул Вайсил Қароний, Ҳазрати Баҳоуддин, эр Занги бобо пир каби кўплаб азиз авлиё-ю анбиёлар, пири комиллар ва ҳатто тўрт чориёр Абубакир ас Сиддик, Ҳазрати Умар, Ҳазрати Усмон, Ҳазрати Алилар қутлуғ жойда суҳбат айлар эканлар:

*“Ҳайдардан сўрадим барин отма-от,
“Ҳазрати пайғамбар улдир, бўлма ёт,
Ул Салим хўжадир, ул Бобо зурриёд,
Ул Вайсил Қарондир, билгил!” дедилар.*

*“Ул Баҳоваддиндир, ул ҳам бир эрдир, –
Бири Занги бобо, ул ҳам номдордир,
Суюнишиб тургон – тўрт Чориёрдир,
Матлабинг не бўлса, сўргил!” дедилар[2,5].*

Ушбу қутлуғ жойдаги улуғлар мажлисига ўғлонни олиб келган икки шайх даврадан сўз олиб, юз йигирма тўрт минг анбиё-ю саҳобалар бариси шулар эканлигини айтадилар ва унга фотиҳа олиб берадилар. Расулуллоҳ алайҳиссалом эса авлиёлар ва саҳобаларга қарата “бу қулнинг мақсадини, тилагини бергил!” деб ҳиммат кўрсатадилар:

*Ўшал вақтда ҳозир икки шайхи-шоп,
“Йигитга фотиҳа беринг – деди, соф.
Юз йигирма тўрт минг анбиё, асҳоб
Бариси шулардир, билгил!” дедилар.*

*Расулуллоҳ айди: “Ё Шохимардон,
Аё, Салим хўжа, ё Бобо Салмон,
Абубақр-Сиддик, ё Умар, Усмон,
Бу қулнинг мақсадин бергил!” дедилар.*

*Салим, Бобо Салмон буюрди мардга,
Пиёлани тутиб, солдилар дардга,
Кетди ақлим-хушим, ётдим шул ерда,*

“Аршда-фаршда не бор, кўргил!” дедилар.

*Ел бўлдим, югурдим ер томирина,
Назарим тўқнашди Арш камари-ла,
“Жабрут оламинда Жалил сирина –
Келиб, ўзинг қараб кўргил!” дедилар [2,6].*

Расули Акрамнинг каромати ва инояти ила лирик қаҳрамон Аршда, Кўкда не борлини, Аршнинг камарини, ернинг томирини Жабруд оламида Жалилнинг сирина – илоҳий яратикларни кўришга мушарраф бўлади. Нени хаёлига келтирсаки, шу кўз олдида намоён бўлади ва бу ҳолдан масту масрур, роҳату фароғат ҳис қилади. Шунда яна тушнинг бошидаги сингари “Турғил!” деган ҳитоб янграйди.

*Нени хаёл этсам – қўлга кетурдим,
Қайга боқсам, анга назар етирдим,
Шу ҳол ила мен фароғат ётардим,
Оғзимга туқуриб: “Тур, қул!” дедилар [2,6].*

Расуллулоҳ асҳобларга ўғлонни кузатишни, фотиҳа бериб, тўрт отлик ила уйғонган жойига элтиб қўйишни буюради. Уйғониб кўзин очсаки, лирик қаҳрамон шоирнинг ўзи – шоир Фироғий. Тушида Муҳаммад (а.в.с)нинг ва саҳобаларнинг, пири авлиёларнинг суҳбатида бўлган ва улардан дуо олган шоир бутун ҳаёти давомида туркман тилидаги шеърый хазинани мислсиз даражада бойитди. Бу йўлда ўзи эътироф этганидек, “Аллоҳ ёри бўлган” десак ҳеч муболаға қилмаган бўламиз.

*“Расулллоҳ айтди: “Асҳоблар, юринг,
Йигитни узотинг, фотиҳа беринг”.
Тўрт отликқа деди “Элтиб топширинг,
Келтиргон жойингда қўйгил” дедилар.*

*Уйғониб, Фироғий – кўзин очибдир,
Сарина не қўйлар келиб-кечибдир,
Маст инардек оқ кўпиклар сочибдир,
“Болам, олло ёринг, боргил!” дедилар [2,6].*

Уйғониб кўзин очсаки, лирик қаҳрамон шоирнинг ўзи – шоир Фироғий. Тушида Муҳаммад (с.а.в.)нинг ва саҳобаларнинг, пири авлиё-ю анбиёларнинг суҳбатида бўлган ва уларнинг дуоларини олган шоир бутун ҳаёти давомида туркман тилидаги шеърый хазинани мислсиз даражада бойитди. Бу йўлда ўзи эътироф этганидек, “Аллоҳ ёри бўлган” десак ҳеч муболаға қилмаган бўламиз.

Маҳтумқули кубравия тариқати шайхлари билан ҳам нақшбандия тариқати пирлари билан ҳам яқин алоқада бўлганлиги унинг ижодига таъсир қилмай қолмаган. “Шеърларидан Маҳтумқулининг пири отаси эканлиги англашилади. Аммо у кўплаб муршиди комилларни ҳам зикр этган” [1,4]. Чунончи, юқорида кўриб ўтганимиз илоҳий туш талқинида ёзилган “Турғил” дедилар (Туш) шеърида Аллоҳнинг элчиси Муҳаммад Расулллоҳ ва Расули Акрамнинг асҳоблари Абубакир Сиддиқ, Умар, Усмон, Алилар даврасида Ҳазрат Баҳоуддин билан бир қаторда пирзодалар Ҳазрати Ҳайдар, Салим хожа, Бобо зурриёд,

Вайсил Қарон, номдор Занги бобо, Шоҳимардон, Салим хожа, ё бобо Салмон номлари ҳам бирма – бир келтириб ўтилган.

REFERENCES

1. Кенжабек М. Махтумқули – валий шоир (Таржимон муқаддимаси)// Махтумқули. Сайланма. – Тошкент, 2004. 3-5-бет.
2. МАХТУМҚУЛИ. Бу нақлдир (Янги таржималар). Тошкент. “Камалак” 1991. 66-бет. 4-б.